

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

Шарқ Юлдузу



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

11 / 2019

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ХИСЛАТ. Бормикин афсона бўлгон ёр учун Хислат каби.4

НАЗМ

Мухаммадали ҚУШМОҚОВ. Уммон пўртаналари бўйлар дунё томига.58

Сирожиддин РАУФ. Пойинга садхадир жон ила борим.70

Замира РЎЗНЕВА. Дилнурлик меҳробга битилган хатдан.87

Туроб ШЕЪЗ. Умрим йўллариди ёнган широксиз.92

Баҳром ГОЙИБ. Менга шивирлайди бетора ялғиз.114

НАСР

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. Қорабўри Қисса.8

Абдурахмон ИБРОҲИМ. Юбилей. Хикоя.76

Турсунмурод ЭРМАТОВ. Икки хикоя. Абри вайсон.62

Буни ишқ дейдилар.66

АДАБИЙ ЖАРАЁН

Адхамбек АЛИМБЕКОВ. Буюк дўстлик тараннуми.96

Мунаввара ЮСУПОВА. Нафис товунлар жарангги.105

Эшқобил ВАЛШ. Ўзбек шеърятда баллада жанри.125

ПУБЛИЦИСТИКА

Тўлкин ЭШБЕК. Галаба боғида шод кезар руҳлар.109

Салима УМАРОВА. Эзгуликки эшик очган нурафшон ўйлар.118

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дилшод ХУРСАНОВ. Ирфоний шеърятда бадий вақт масаласи.102

Комилжон ҲАМРАЕВ. Хикояда илк жумла поэтикаси.132

Мухайё ИСМОИЛОВА. Шахсият динамикаси ва инсон қалби.136

ТАЛҚИН

Суюн КАРИМОВ. "Теорема"нинг тили тўғрисида.122

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Зикрилла НЕЪМАТ. Само йўллариндадир нурдайин изинг, эй моҳ.129

САЊАТ ФАЛСАФАСИ

Эшмамат ҲАЙИТОВ. Тафаккурга ундовчи суратлар.139

УНУТМАС МЕНН БОҒИМ

Мухаммад РАҲМОН. Ҳайратимнинг тили бўлсайди агар.141

Олим ТОШБОЕВ. "Умр ҳам япроқдай омонат экан..."149

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Тўрабой ЖОРОЕВ. Бахт учун ҳам кўзёш керак.155

МУТОЛАА

Дилрух САЙФУЛЛОЕВА. "Огабий"ни яхши кўраман.160

BOLALAR DUNIYO SI

Na'ima ANVAROVA. Bulutlardan oqayotgan ter.162

Hidoyat OLIMOVA. Ertaklar yaxshilikka yetaklar.165

ГУЛҚАЙЧИ

Турсунбой БОЙМИРОВ. Обил кулок.169

Адабий ҳаёт.175

Тузатиш: журналнинг 2019 йил 9-сони муқовасининг 2-бетидаги "1928" санаси "1948" деб ўқилсин.

Шарқ юлдузи

2019

11-сон

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Маъзилмиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор ноҳияси, Адиблар хибони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.ru

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қозғоз бичими 70x108 1/16
Офсет босма усулида офсет қозғозда босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Адади 1900 нусха.
Буюртма № 5

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

"PRINT REBEL" МЧЖ

матбаа қорхонасида чоп этилди.

Қорхона маъзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўразбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта чоп этилади.

Мусаххит:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Элёржон Неъматов

Copyright © «Шарқ юлдузи»



Комилжон
ҲАМРАЕВ

ҲИКОЯДА ИЛК ЖУМЛА ПОЭТИКАСИ

Бугунги ўзбек адабиётшунослиги бадий асар таҳлилида поэтик матн унсурларига таяниб, унинг тағ маъноларини ёритишда бадий сўзга эргшиб, шакл компонентлари доирасида фикр айтишда анча дадиллашди. Зотан, бундай карашларнинг зарурлиги, биринчидан, поэтик тафаккур тарзининг ўзгариши ва истиқлол шарофати ўлароқ бадий асарга ёндашиш тамойилларининг янгиланиши бўлса, иккинчидан, мустақиллик даври адабиётидаги шаклий изланишларнинг жадаллашуви билан боғлиқ. Шу маънода бадий асарни таҳлил қилишда, хусусан, ҳикоя жанри намуналарининг бадийятини очишда биринчи жумланинг поэтик матн таркибидаги аҳамияти катта. Сувон Мели, Ҳамидулла Болтабоев, Дилмурод Қуронов, Баҳодир Каримов, Узок Жўрақулов, Умида Расулова кабиларнинг илмий тадқиқотларида бундай мулоҳазалар устувор эканлигини айтиш керак.

Илк жумла бир томондан ижод психологиясига алоқадор бўлса, иккинчи томондан бадий асар поэтикасига тегишлидир. Ҳар бир ижодкор қўлига қалам олиб, юрак амрига қулоқ тутаркан, биринчи жумла устида бош қотирмоғи тайини. Ёзувчи учун “энг кийини бошлаб олиш, айнан биринчи иборани топишдир, – деган эди М. Горкий. – У худди мусикадагидек бутун асарга оҳанг бағишлаб туради ва одатда уни узок излашга тўғри келади”. Мувафаккиятли топишган биринчи ибора бутун асарнинг оҳанги ва ритминигина эмас, айни пайтда унинг ғоявий йўналиши ҳамда композицион яхлитлигини ҳам таъминлаб беради. Бинобарин, асарнинг биринчи саҳифасидаёқ унинг керакли ритмини эшитиш мумкин. Буни бирдангина эшитиш камдан-кам рўй берадиган ҳодиса. Бу вазифани адо этишда ёзувчи шоирга қараганда анча кийин ҳолатни бошидан кечиради¹. Илк жумла мазмун-моҳияти, бадий функцияси билан асар сарлавҳаси ва эпиграфига яқин турса-да, воқеалар занжирини ҳосил қилиши, бадий асарнинг ритмини белгилашдаги поэтик вазифаси орқали улардан фарқлидир. Бадий асарда илк жумла ягона сўз

¹ Солежонов Й. Нутқ ва услуб. Т.: Чўлпон, 2002. – Б.8.

Комилжон ҲАМРАЕВ – филология фанлари бўйича фалсафа доктори. 1986 йилда туғилган. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини тамамлаган. Ҳозирда Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ катта ўқитувчиси. Илмий мақолалари марказий матбуот нашрларида чоп этилган.

ёки бир нечта гап билан ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ёзувчининг бадний услуби билан боғлиқ бўлиб, аксарият асарларда биринчи жумлани мухтасар тасвирлашга уриниш сезилади. Илк жумланинг чегара нуктаси бадний асарнинг семантик қурилишидап англашилади. Унга юклатилган поэтик маъно эса бадний матн тўқимасида ўз ифодасини топади. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлари”да “1264 хижрия далав ойининг 17 инчи, кишки кунларининг бири, куёш ботган, теварақдан шом азони эшитиладир”, Абдурауф Фитратнинг “Абулфайзхон”ида “кишт”, Хуршид Дўстмухаммаднинг “Донишманд Сизиф”ида “Зўрнинг тоши кирга қараб юмалар” каби асарлардаги илк жумлалар юкоридаги фикрларга туртки беради. Ижод жараёнида муаллиф бутун асар тизгинини биринчи жумлага юклайди. Шу боис уни от юганига киёслаш ҳам мумкин. Югани кўлига туган чавандоз оғишмасдан, кўзлаган манзилига етиши тайин. Ижодкор ҳам бадний асар ритми ва охапгани илк жумлада жо килар экан, поэтик матн “формуласи”ни яратади. Француз адибларидан бири Албер Камю ўзининг “Вабо” асаридаги Гран образи тимсолида ижод жараёни, биринчи жумла масъулияти хусусида батафсил фикр юритади: “Майнинг ажойиб тонгида Булон ўрмонининг гуллаган хиёбонларидан зебо Амазонка койилмаком тўрикни чоптириб кетаётган эди...”. Ушбу жумлани ёзувчи асарда такрор ва такрор тахрир қилиб, куйидаги фикрларни баён этади: “... Ҳали буларнинг ҳаммаси анча тахминий. Қачонки, жумлаларда хаёлимда яшаётган манзарани бекаму кўст акс эттирсам, қачонки, жумлаларим шу йўргалашга монанд бир-икки-уч, бир-икки-уч – аниқ ҳамоҳанг бўлиб жараишласа, шунда қолгалари осон кўчади, энгасосийси, биринчи жумланинг таъсири шундай зўр чиқадики, кейин “Дўшми осмонга!” деб бемалол айтиш мумкин”². Демак, илк жумла, аввало, ижод психологиясига алоқадор бўлиб, ёзувчининг истеъдоди билан боғлиқ. Қолаверса, муаллифнинг қалам йўлини ёритувчи шам мисоли бадний қувват манбаи саналади. Биринчи жумла нафақат ўқувчига, балки муаллифга ҳам мўлжал олиш учун таянч нукта эканлиги адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоевнинг куйида келтирилган қарашларида ўз ифодасини топган: Биринчи жумла: “Туробжон эшиқдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами яқтагининг енги зулфинга илиниб, тирсаккача йиртилди”. Унда Қаҳҳорга ярашмаган кўпсўзлик бор, лекин фикрни бундан-да қиска ифодаланиши ҳам йўли йўқ... Ёзувчи биринчи жумлада сўзга эрк берганини сезгандай, иккинчи жумлада гапини “йигиштириб” олади: “Унинг шапши қайтди”³.

“Бўладиган бола бошидан маълум”, деганларидек, бадний асарнинг биринчи жумласини ўқиб, то охирги жумлага қадар бош кўтармасдан мутолаа қиладиганлар ва илк жумлани ўқиб-ўқимасдан хафсаласи пир бўладиганларнинг топилиши, шубҳасиз, ёзувчининг бадний маҳорати билан боғлиқ.

Хуллас, “Ижодкор асар сарлавҳасини, биринчи жумлаю, структурани тафаккурида, тасавурида тугилганидан бошлаб парваришлайди”⁴. Агар биргина ўзбек хикоялари мисолида илк жумланинг турлари ўрганилса, чуқур илмий мушоҳадаларга асос бўладиган материал бўртиб кўринади. Илк жумла бошқа жанрларга қараганда хикоя табиатига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

² Камю А. Вабо. Аъзам. А таржимаси. – Т.: Янги аср ашюди, 2016. – Б.161.

³ Болтабоев Ҳ. Теранлик. (Адабиётимиз фаҳри). – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.204.

⁴ Расулова У. Биринчи жумла масъулияти. – Т.: Шарқ юлдузи, 2004. – Б.58.

Рус адабиётшуноси Михаил Виллер ҳикоя жанрида илк жумланинг турларини қуйидагича тасниф қилади. Булар экспозицион, пейзаж, автобиографик, биографик, характеристик, сентенция (насихатомуз бошланма), портрет, деталь, ҳаракат, концентрат ҳаракат, кучли ҳаракат, эмоционал жумла қабила.

Бу тасниф бир қарашда мукаммал кўринсада, биров кетма-кетликдаги тартибсизлик ва камров доирасидаги нотугаллик кишини мулоҳаза қилишга ундайди. Бизнингча, ҳикоя жанрида дастлабки бошланма турларини таснифлашда бадний асар сюжети ва композициясининг унсурларига таяниш лозим. Пейзаж, хронотоп, деталь, характер, портрет, эмоционал, риторик сўрок, пролог қаби илк жумла турлари ҳикоя композициясининг таркибий қисми сифатида бадний ғоя таҳиса, экспозиция, тугун, воқеа ривожи, кульминация, ечим илк жумла турлари ҳикоянинг бадний сюжетини уюштиришда таянч нуқта ҳисобланади. Юқоридаги илк жумла турлари ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида маълум бир ёзувчи ижоди мисолида қаралса, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тугун, Шукур Холмирозев пейзаж, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикоялари пролог, Назар Эшонқул ва Исажон Султон ҳикоялари хронотоп, эмоционал, деталь жумла тасвири билан бошланишини кўрамиз. Бу жумла турлари ижодкорларнинг ҳамма ҳикояларини қамраб ололмасида, стачилиги билан ажралиб туради. Албатта, бу ёзувчининг эстетик диди, услуби ва бадний нияти билан боғлиқ.

Илк жумла бадний ижод жараёнига ҳос психологик таъсирда таъбирлар тобланиб, ҳар қандай асар таркибида мавжудлиги билан характерланади. Бундан ташқари, илк жумла, нафақат ҳикоя семантикасидаги стачилиги, балки жанр намуналарини таҳлил қилишда қўл келишини таъкидлаш керак. “Илк жумла, – деб ёзади М. Виллер, – бу камертон, у бутун асар оҳангдорлигини таъминлаб беради. У паровозга ўхшайди, ўз изидан бутун бошли ҳикояни эргаштириб бета олади”. Шундай экан, илк жумла ҳикоя контекстида ва бадний нутқ қурилишида, шунингдек, семантик маъно структурасида поэтик марказ ҳисобланади.

Илк жумла ёзувчининг ижод лабораторияси ва бадний асар ритми билангина чегараланмайди. Ундан ҳозирги ўзбек адабиётшунослигида бадний асар тилсимини очиш учун кенг фойдаланилган. Яъни бадний таҳлил жараёнида илк жумлага таяниб бадний асар таҳлил қилинган. Масалан, Йўлдош Солижоновнинг “Деталлар тилга кирганда” мақоласида “Будут тўсган ой” ҳикоясининг “Ёмғир шундай куч билан қуя бошладик, бекат айвонида туришнинг иложи қолмади”, Узок Жўрақулов “Осойиш айёми” мақоласида “Этакдаги қулба” ҳикоясининг “Жимжит кишлоққа жимжитлигини бузиб ўхшовсиз бир девона оралади”, Умида Расулова “Биринчи жумла маъсулияти” мақоласида “От кишнаган оқшом”нинг “Биродарлар, кўргулик, кўргулик!” қаби жумлаларни таҳлил қилиб, илк жумланинг поэтик вазифаси ҳақида фикр юритадилар. Образ руҳияти, ўй-мушоҳадаларини очишда бадний асар композициясида шакл ва мазмун бирлигини уюштиришда илк жумланинг илмий-назарий хусусиятларини талкин қилганлар. Кўринадики, бадний таҳлил илмида бундай тажрибаларнинг мавжудлиги янада чуқурроқ фикр юритишга туртки беради. Шу маънода Назар Эшонқулнинг “Шамолни тутиб бўлмади” ҳикоясидаги илк жумлага эътибор берайлик.

“Юз йилдан бери терсоталикларнинг гурури ва фаҳри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар қаршисида юздаги чипқондек кишлоққа

кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синовларга тўла қадим кўрғонни эслатувчи Байна момонинг уйини худди унутишга ва йўқ қилишга маҳкум қилинган хотирадек ниҳоят бузиб ташлашга киришишди”⁵. Бу юқорида таъкидлаганимиздек, хронотоп жумла бўлиб, унда бутун ҳикоя воқеалари юз берадиган замон ва макон тасвиридан бир лавҳа келтирилган. Ҳикояда жанр хронотопи жумладан жумлага кенгайиб, ойдинлашиб, ритмик оҳанг жарангини сочади. Унда “Юз йилдан бери терсоталикларнинг ғурури ва фаҳри бўлиб келган, замонавий қилиб қурилган равоқли уйлар” Замон отбоқар киёфасининг инъикоси сифатида келса, “Юздаги чипқондек кишлоққа кўримсизлик ва кексалик бағишлаб турган, номаълум ва мудҳиш синовларга тўла қадим кўрғон” Байна момо портретига параллель қўйилган. Ҳикояда бу икки образ характеридаги зиддият ва карама-қаршилиқлар маълум бир макон ва замонда ўз ифодасини топади.

Ровий биринчи жумлада Байна момонинг уйи бузилаётганлиги хабарини берса, охириги жумлада мазкур уйдан “ўнга одам бармоғи” топилганлигини айтади. Шу нуқтада илк ва охириги жумла ўртасидаги поэтик занжир пайвандланган бўлиб, ҳикоя хронотопи ҳалқасимон композиция турида ўз ифодасини топган. Яъни ҳикоя воқеаларининг юз бериш вақти охириги жумлада туташади. Биринчи жумла сингари охириги жумла ҳам ҳикоя структурасида ўзига хос поэтик вазифа бажаради.

Хуллас, илк жумла ижод жараёнидаги психологик ҳолатлар бадний асар ритми ва асар бадний ғояси билан поэтик алоқага киришиб, ҳикоя композициясининг таркибида қарвон қўнгироғи сингари йўл бошловчилик вазифасини бажаради.

⁵ Эшонқул Н. Яшиз хиди. – Т.: Шарқ, 2008. – Б.251.



Калам сўзининг соясини чизади.

Асқад МУХТОР

